O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI

BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI
1930

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНТЕКСТИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАТЕРИАЛЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ

“ИЖТИМОИЙ СОҲАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ КОНТЕКСТИДА ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ: МУАММО ВА ИСТИҚБОЛЛАР”

Республика илмий-амалий анжуман

МАТЕРИАЛЛАРИ

2021 йил 28 май

БУХОРО

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 78-фармойиши асосида 2021 йил 28 май куни Бухоро давлат университетида **“Ижтимоий соҳани модернизациялаш контекстида педагогик таълим тараққиёти: муаммо ва истиқболлар”** мавзусида ўтказилмоқда.

Анжуманнинг мақсади - мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим сифатини ошириш, педагогик таълим соҳасида илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда Республикада ушбу соҳада эришилган илмий натижаларни амалиётга татбиқ қилиш ҳисобланади.

Тақризчилар:
М.Ҳ.Махмудов, педагогика фанлари доктори, профессор
М.Қуронов, педагогика фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:
Ш.Ш.Олимов, Б.Р.Адизов, Б.С.Сафаралиев, Г.Я.Гревцева,
И.Е.Емельянова

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Педагогика кафедраси доценти
Қ.Ф.Абдуллаев

соҳасидаги ўзлаштирган билимларининг ахлоқий талаблари билан муносабатини ҳисобга олиш зарур.

Шахснинг ахлоқий ривожланиши ахлоқий эҳтиёжларни шакллантиришни ўз ичига олади: меҳнатга, мулоқотга, маданий қадриятларни ўзлаштиришга, билиш қобилиятини ривожлантириш ва бошқаларга эҳтиёж сезилади. Бу эҳтиёжлар ўқувчилар фаолияти ва муносабатларининг реал тажрибасида ривожланади. Кўп қиррали фаолият жараёнида ҳатти-ҳаракатнинг ижтимоий фойдали кўникмалари, ахлоқий одатлар, барқарор муносабатлар шаклланади.

Ҳар қайси роль муайян ахлоқий-психологик хусусиятни тақозо этади. Ҳар қандай ижтимоий роль энг муҳим ахлоқий илм олишни талаб қилади; онглилик, масъулият, меҳнатсеварлик, ёрдам кўрсатишга тайёрлик, ўзининг шахсий қизиқишлари билан ҳаракат қилиш. Демак, социал мажбариятларни онгли қабул қилиш у ёки бу вазифаларни ва уни амалга ошириш йўлларини ўзлаштиришда кучли таъсир қилувчи асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ахлоқий эҳтиёжни шакллантириш ва амалий фаолият ўртасида мустаҳкам алоқа мавжуд. Бироқ, ахлоқий ва объектив аҳамиятга эга бўлган фаолият ҳар доим ҳам ўқувчида исталган эҳтиёжни туғдиравермайди.

Меҳнат фаолияти ахлоқий тарбияда бошқа омиллардан фойдаланилмайдиган тақдирда муҳим ютуқларни бермайди.

Маънавий-ахлоқий тарбия тизимида ахлоқий одатлар алоҳида ўринни эгаллайди. Чуқур ўзлаштирилган ахлоқий меъёрлар билан белгиланувчи ҳатти-ҳаракат одатнинг маънавий сабабининг барқарор кўрсаткичидир.

Одатлар ўзлаштирилган ҳатти-ҳаракатни ишлаб чиқариш йўлларидан фойдаланишни ўз ичига олади. Кўпинча ахлоқий одатлар инсонпарварлик, меҳнатга масъулият билан ёндашиш туйғуларини шакллантириш учун зарурдир. Одатлар шартли равишда оддий ва мураккабга бўлинади. Оддий одатлар дейилганда ижтимоий турмушнинг элементар қоидалари, белгиланган интизом меъёрлари ва мулоқот маданияти асосида ётган ишлар ва ҳаракатлар кўзда тутилади.

Мураккаб ахлоқий одатларга фуқаролик, меҳнат оилавий бурчаларини, ахлоқий ҳатти-ҳаракатларини виждонан бажаришга бўлган эҳтиёж киради.

Ахлоқий тарбиянинг муҳим вазифаси ҳатти-ҳаракатларни одатга айлантиришдир. Ахлоқий одатларни тарбиялашга қўйиладиган педагогик талаб ўқувчининг феъл-атвори ва онгининг бирлиги ва ўзаро алоқасига асосланади.

У ёки бу одатни тарбиялашдан олдин, ўқувини ижобий одатларни эгаллаш ва салбий одатларга барҳам беришга мойил қилиш лозим.

Маънавий-ахлоқий одатларни тарбиялаш ўқувчи феъл-атворининг ижобий далиллари асосида амалга оширилади.

Одатлар изчиллик билан оддийдан нисбтан мураккабга қараб тарбияланади, у ўз-ўзини назорат ва ташкил қилишни талаб қилади.

Ахлоқий одатларни тарбиялашда ўқув юртининг умумий муҳити катта аҳамиятга эга. Анъаналар, жамоа қонунлари билан қўллаб-қувватланаётган феъл-атворнинг шаклланиш усуллари ўқувчилар томонидан енгил ўзлаштирилади. Феъл-атвор тажрибасини ташкил қилиш асосан барқарор ижобий таъсир воситаларини яратишдадир.

Ахлоқий меъёрларни ўзлаштириш инсоннинг бу меъёрларига эмоционал муносабати билан бойийди. Ахлоқий меъёрни маълум маънода у ёки бу ҳатти-ҳаракатни келтириб чиқаришга ундовчи сабаблар ҳам белгилайди.

ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚНИНГ ТЕНГСИЗ БОЙЛИГИДИР.

Н.И.Давронов
БУхДУ жисмоний маданият факультети ўқитувчиси

Қадриятлар халқимизнинг тенгсиз бойлигидир. Уни авайлаб-асараш, ривожлантириш, бойитиш муқаддас бурчимиздир. Шунинг учун ҳам бугунги кунда ҳур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар томонидан яратилган маърифатда фан ва техникада, маданият ва санъатда нимаики, янги ва илғор жиҳатлар бўлса, шунга дадиллик билан интилмоқда.

Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўладиган яна янгидан ўзимизни бетакрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳими инсонларга керакли қадриятларимиз тизими барпо этилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда қадрият иборасини жуда кенг маънода ишлатиш, айниқса, маданий-маънавий ҳодисалар, урф-одатлар, анъаналар ва бошқаларга нисбатан бу тушунчани умумий атама сифатида қўллаш ҳоллари кўп учрамоқда. Кундалик мулоқотда қадри бор нарса, воқеа, ҳодиса, хусусият ва бошқаларга нисбатан қадрият иборасини қўллашга кўпчилик кўникиб қолди. Аммо айнан шу кундалик ҳаётдаги маъноси илмий адабиётларга кўчиб қолаётганлиги кишини ачинтиради. Ҳамма тушунгани ўз жойига, ўз кўламига ишлатиш илмийлик талабларидан биридир. Қадриятлар ҳақидаги илмий баҳслар, фалсафий мулоҳазалар доим давом этаверади. Чунки жамиятининг маънавий-интелектуал тараққиёти, инсониятни эҳтиёжлари доимий ҳаракатдадир.

Мустақил давлатимизда ёш авлоднинг жисмоний камолотини юксалтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Шу сабабли юртимизда Ватан мустақиллигини мустаҳкамлайдиган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратилаётганлиги тадқиқотнинг биринчи бобида таъкидланган эди.

Ҳанузгача ўрганилмай келинаётган ўзбек халқ байрамлари узоқ ва бой тарихга эга. Агар тарихчи олимларнинг “байрам инсон билан бирга пайдо бўлган ва ривожланган”, деган фикрига таянсак, халқ байрамлари илк чашмаларини энг қадимий палеолит давридан, яъни Ўрта Осиёда одам зоти пайдо бўла бошлаган 500 минг йил аввалги даврдан изласа бўлади.

Биз эса, ҳозирча, маҳаллий халқларнинг кейинги 3 минг йиллик давр мобайнидаги байрамлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бунинг учун аввало, қадимдан Ўрта Осиёда яшаган аждодларимиз - сак, массагет, бақтра, сўғд, хоразмийлар байрамлари ва сўнгра тарихий шаклланиб борган ўзбек халқи байрамларига мурожаат қиламиз. Милоддан илгариги 1 минг йилликлар бошида (яъни бундан 30-26 асрлар муқаддам) Ўрта Осиёда ўтроқ деҳқончиликнинг ривож топиши, ибтидоий жамият емирила бориб, қулдорлик тузумининг вужудга келиши, Сўғд, Хоразм, Бақтрия каби давлатларнинг пайдо бўла бошлаши, диний қарашларнинг шакллана бориши ўша даврга хос анъана, маросим ва байрамларни тақозо эта бошлади. Айниқса, Ўрта Осиёга зардуштийлик (оташпарастлик)нинг ёйилиши натижасида (милоддан аввалги VII-V асрлар) шу қадимий диний фалсафий қарашга оид маросим ва байрамлар маҳаллий аҳоли ўртасида кенг тарқала борди.

Зардуштийликнинг муқаддас “Авесто” китоби ва унинг иккинчи “Виспард” қисмидаги қўшиқлар, учинчи “Ясна” қисмидаги 72 бобли қурбонлик маросими қўшиқлари ва диний маросимларга хос расм-русумлар баёни, тўртинчи “Яшт” қисмидаги зардуштийлик худолари ва маъбудаларига бағишланган 22 қўшиқ каби манбалар диний маросимлар ва байрамларнинг ғоят ривожланганидан далолат беради.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон территориясида яшовчи халқларнинг байрамларини ўрганишда X - XI асрларда яшаган буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари ўта муҳим роль ўйнайди. Беруний ўзининг бу асарида қадимий хоразмийлар, сўғдлар, эронийлар, румликлар, яҳудийлар, сурияликлар, христианлар, ҳиндлар ва бошқаларнинг календаридаги машҳур кунлар, ҳайитлар ва одатлар ҳақида бебаҳо тарихий-маданий бойлик қолдирган. Беруний шу китобида хоразмликларнинг исломгача даврдаги ҳайитини икки турга бўлган:

1.Табиий воқеаларга бағишланганлари: йил боши байрами (Наврўз), очилиш байрами, гулханда исиниш байрами, ёғлиқ нон ёпиш куни, Мина кечаси (совуқда қолиб ўлган аёл хотираси муносабати билан эрта баҳорда ўтказиладиган ҳайит) ва ҳоказолар.

2.Диний маросимлар (исломгача бўлган даврда): арвоҳлар учун қабрларга овқат қўядиган кун ва бошқалар. Беруний ҳозир биз тушунадиган “байрам” сўзи ўрнига асосан “ҳайит” сўзини ишлатган. Ҳозир кўпгина адабиётларда “ҳайит” сўзи ислом байрамларига нисбатан қўлланилади. Беруний эса “ҳайит” сўзини исломгача бўлган байрамларга нисбатан ишлатган.

Маълумки, милоддан илгари Эрон, Сўғд ва Хоразмда зардуштийлик календаридан фойдаланишган. Бу халқларда йилнинг ҳар фасли, ойида ўз байрамлари ва машҳур кунлари бўлган. Масалан, “фарвардин моҳ” - ёз боши, “тир моҳ” - куз боши, “меҳр моҳ” - қиш боши, “диний моҳ” - баҳор боши эди. Уларнинг ойлари ичида тўрт фаслга қараб ишлатиладиган (ҳайит) кунлари бор эди” , - дейди Беруний.

Баъзи этнограф олимларнинг, жумладан Н.П.Лобачеванинг фикрича, қадимдан Ўрта Осиёда йил боши баҳорга тўғри келган. Сосонийлар сулоласи даврида (III аср) йил боши ёзга - ёзги қуёшнинг тик туриши кунига (ҳозирги 21-22 июнгача) кўчирилган. Бироқ ой календарига ўтилгандан кейин, йилнинг биринчи ойи яна баҳорга, тун ва кундуз баравар бўлган кунга (яъни 22 мартга) кўчирилган. Бу ҳақда Беруний ёзади: “Наврўз... ўтмиш замонларда... Қуёшнинг саратон буржига кириш пайтига тўғри келар эди. Сўнгра, у орқага сурилгач, баҳорда келадиган бўлди. (Энди) у

бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда қочиш пайти (шаҳват) қўзғолишидан то насл вужудга келгунича давом этган вақтда келади. Шунинг учун "Наврўз" оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган".

ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЕ ОСНОВА ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ ПРЕДКОВ

С.Хамроев

Магистрант 1-курса направления теории и истории педагогики БухГУ

Аннотация: В настоящей статье говорится об исторических корнях и основах образовательного процесса у зороастрийцев. Основываясь на анализе «Авесты», древних назидательных текстов и рукописей зороастрийцев обосновываются взгляды, мысли зороастрийцев о воспитании и обучении, актуальность их использования в деле воспитания всесторонне развитой личности на данном этапе.

Ключевые слова: Авеста, наследие, воспитание, образование, знание, наука, назидание.

Анализ сохранившихся до наших дней рукописей зороастрийцев, написанных на пехлеви, как «Дадестон-и меног-и храд» (Суждение духа разума), «Бундахишн» , «Арта виразнома», «Ояткор Зареран», «Затспорам», «Корномаи Ардашери Бобакон», «Бахман яшт», «Ривоят», «Рост Сухан», «Шойист-ношайист», «Чим-и-дрон», «Андарз-и данаг мард», «Хвешкарих-и редагон» позволяет изучить их мысли об обучении и воспитании, советах наставника ученику, мудреца молодому поколению; получить подробные сведения о системе и процессе образования, о правилах, соблюдаемых в процессе воспитания и обучения, обязанностях преподавателей и наставников, учеников.

В рукописи «Андарз-и данаг мард» (Советы мудреца) мудрец обратился к своему сыну, дал (ему) наставление, обучил, распорядился и приказал: «Сын! Будь безгрешен, чтобы не испытывать страха. Будь благодарным, чтобы быть достойным. Будь благоразумным, чтобы быть богатым. Будь благодарным, чтобы иметь хороших друзей... Согласно наставлению и обязанности, (будь) послушен родным и друзьям, а также не ссорься со своим наставником... К жене и детям относись как можно лучше и доброжелательнее ("радостнее"), а именно беседуй (с ними), наставляй и обучай».[8] Как видим, глава семьи обязан был, в первую очередь, давать советы (семейное образование), а потом обучать (в школьное образование) своих детей. Подчеркивалось, что в обязанности сына входит: найти хороших и умных друзей, не красть, быть правдивым всегда, умение отвечать за свои слова и поступки.

Начальное образование у зороастрийцев составляло основное звено образовательной системы, охватывала период с 7 до 15 лет.

До семи лет детей не обучали систематически, а лишь знакомили с определенными канонами зороастризма. Считалось, что до этого возраста дети далеки от грехов и влияния Ахримана (авест. «злой дух», пехл. *Ахриман* – Дьявол, «князь тьмы», предводитель сил зла, главный враг *Ахуры Мазды* и всего благого мира, по одному из мифов появившийся как плод сомнения *Зервана*. Ему противостоит *Спэнта Майнью* – Святой Дух. В человеке проявляется,прежде всего, через гордыню). Ребенка, достигшего семилетнего возраста одевали в специальную одежду со святыми признаками. Считая, что семилетний ребенок в состоянии различать хорошее и плохое (добро и зло), на него накладывали определенные обязанности.

Об особом внимании воспитанию детей в зороастрийской религии свидетельствуют слова: "О, Ахура-Мазда, ты дух свой воплотил в различном, разум дал и в плоть облек жизнь. Деянье и ученье сотворил, чтобы каждый мог выбрать путь себе по нраву"[9] или «Воспитание должно считаться важнейшей опорой жизни. Каждого молодого нужно воспитать так, чтобы тот, изучив сначала хорошие манеры, чтение, а затем письмо, достиг самого высокого уровня».

Итогом начального образования в образовательных учреждениях зороастрийцев типа медресе считалось овладение в совершенстве 7 видами искусства. Это: чтение, письмо, счет, стрельба из лука, верховая езда, религиозные каноны, кироат (чтение с особой интонацией) и пение.

Письмо и счет являлись низшим звеном в образовании. В качестве высшего уровня начального образования рассматривались ораторство и «сладкословие». Воизы (ораторы) занимали более высокое положение в обществе, чем писари и каллиграфы. Людей, в совершенстве владеющих письмом и счетом, относили к ремесленникам, а ораторы достигали уровня жрецов и

[8] **Зороастрийские тексты. П**ереводы О. М. Чунаковой.© Издательская фирма "Восточная литература" Ран, 1997.

[9] Заратустра.Учение огня.Гаты и молитвы.-М.:Эксмо,2008 - с -200

SAMARADORLIGINI OSHIRISH SHART SHAROITLARI.....177
D.Sattarova. MAKTABGACHA TA'LIMDA TA'LIM-TARBIYA MASALALARI.....178
М.О.Иргашева. РОСТ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОГО УРОВНЯ МОЛОДЕЖИ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА.....179
Н.В. Погорелова, О.Ю. Денисова. ТЕХНОЛОГИИ ФОРМИРОВАНИЯ ПОЗИТИВНОГО ИМИДЖА УЧРЕЖДЕНИЯ КУЛЬТУРЫ.....180
Ў.Т.Бобоева ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК АСОСИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....185
Р.А.Литвак, Ю.Г. Голубкова,О.Е. Кутепова. ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЕ ПРОСТРАНСТВО ВУЗА КАК ФЕНОМ СОЦИОКУЛЬТУРНОГО РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ.....185
Р.А.Литвак, О.А.Аккерман, К.С.Ахметова КУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБРАЗОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЛИЧНОСТИ.....187
Р.Шомуратов ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШДА АХБОРОТ ТИЗИМИГА НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ.....189
И.Ф.Қаюмов. ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИДАГИ ЎРНИ.....191
А.А.Азимов,Ф.Ф.Нуруллаев. МИЛЛИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИДА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРБИЯЛАШ.....193
Н.В.Погорелова, А.А.Решетникова. СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ ПОДРОСТКОВ.....196
A.Rajabov «MUSIQA O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH JARAYONIDA DIRIJORLIK FANINING MAQSAD VA VAZIFALARI YOSHLAR HAYOTIDA MA'NAVIYATNING TUTGAN O'RNI».....200
Z.Z. Shernazarov ABDULLA AVLONIYNING IJODIY FAOLIYATI.....202
С.Умарова. МУҲАММАД АВФИЙ БУХОРИЙНИНГ «ЖАВОМЕЪ УЛ-ҲИКОЁТ» АСАРИДА АХЛОҚИЙ ТАРБИЯГА ОИД МУЛОҲАЗАЛАР.....204
M.Ismoilova INNOVATSION YONDASHUV ASOSIDA TA'LIMNI TASHKIL ETISHNING ZAMONAVIY YO'NALISHLARI.....207
У.Ҳ.Абдуллаева. БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМНИ ИЖОДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШДА АЖДОДЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....208
Н.Ж.Бобомуродова, З.Ж.Фозилова. ЭКОЛОГИК САВОДХОНЛИК - ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗ КУШАНДАСИ.....210
G.Saidnazarova.BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KASBIY MADANIYATINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI.....211
Б.Т.Ҳамраев БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА КАСБИЙ ЭТИҚОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА.....213
М.Ш.Хожиева, Ш.И.Хакимова.ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЗИДДИЯТЛАР ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ.....216
М.А.Жунайдуллаев.ЁШЛАР ИЖТИМОИЙЛАШУВИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА МИЛЛИЙ – СИЁСИЙ МЕНТАЛИТЕТНИНГ АҲАМИЯТИ.....218
Л.Л.Нуруллоев. ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ – ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ.....221
S.S.Muxlisova BOSHLANG'ICH SINFLARDA O'QUV JARAYONINI TASHKIL QILISHDA HAMKORLIK STRATEGIYASI.....223
М.Ходжаева. ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ҲОДИСА СИФАТИДА.....224
Г.И.Сафарова. МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ БИЛИМ МАЗМУНИ.....225
Н.И.Давронов.ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚНИНГ ТЕНГСИЗ БОЙЛИГИДИР.....226
С.Хамроев.ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОЕ ОСНОВА ВОСПИТАНИЯ И ОБРАЗОВАНИЯ ПРЕДКОВ.....228

“Садриддин Салим Бухорий” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Адади 100 нусха. Ҳажми 184 бет. Формат А4. Буюртма 144. 2021

Бухоро шаҳри. М.Иқбол кўчаси, 11-уй.